

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ**

**ХОМИДОВ ВОХИДЖОН ОБИДОВИЧ**

**ТАБИИЙ ИПАК ИПЛАРИНИ ТАНДАЛАШ ЖАРАЁНИНИ ТАДҚИҚ  
ҚИЛИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.06.02- Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга  
дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**НАМАНГАН- 2021**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по техническим наукам**  
**Contents of dissertation abstract of philosophy (PhD) on technical sciences**

**Хомидов Вохиджон Обидович**

Табиий ипак ипларини тандалаш жараёнини  
тадқиқ қилиш ва такомиллаштириш..... 3

**Хомидов Вохиджон Обидович**

Исследование и совершенствование  
процесса снования шелковых нитей.....21

**Khomidov Vokhidjon Obidovich**

Research and improvement  
the warping process of silk threads.....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works .....43

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМӢ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМӢ КЕНГАШ**

---

**ФАРҶОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ**

**ХОМИДОВ ВОХИДЖОН ОБИДОВИЧ**

**ТАБИӢЙ ИПАК ИПЛАРИНИ ТАНДАЛАШ ЖАРАӢНИНИ ТАДҚИҚ  
ҚИЛИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.06.02 - Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга  
дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Т609 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона политехника институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Наманган муҳандислик технология институти ҳузуридаги Илмий кенгашнинг веб-саҳифасига ([www.nammti.uz](http://www.nammti.uz)) ва "ZiyoNet" Ахборот таълим порталига ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

**Валиев Гулам Набиджанович**  
техника фанлари доктори, к.и.х.

Расмий оппонентлар:

**Жуманиязов Қадам Жуманиязович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Рахимов Алишер Юсулжонович**  
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент тўқимачилик ва еңил саноат институти

Диссертация ҳимояси Наманган муҳандислик технология институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил « 03» июль соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160115, Наманган шаҳри, Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (69) 225-10-07, факс: (69) 228-76-75, e-mail: [niei\\_info@edu.uz](mailto:niei_info@edu.uz), Наманган муҳандислик-технология институти маъмурий биноси, 1-қават, кичик мажлислар зали).

Диссертация билан Наманган муҳандислик-технология институтининг Ахборот-ресурс марказида танилиш мумкин ( № 396 -сон билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (69) 225-10-07).

Диссертация автореферати 2021 йил « 19 » июнь кuni тарқатилди.  
(2021 йил « 19 » июндаги № 33- рақамли реестр баённомаси).



**Р. М. Муродов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
техника фанлари доктори, профессор

**Х. Т. Бобожанов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, техника фанлари доктори

**К. М. Холиқов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий  
раиси, техника фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тўқимачилик саноатида ипак газламалари сифатини оширишда табиий ипак ипларини тандалаш жараёнини такомиллаштириш, ипак маҳсулотларини рақобатбардошлигини таъминлаш ва ишлаб чиқариш технологиясини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Жаҳонда ишлаб чиқариладиган табиий ипак ипларининг 60 фоизи Хитой ва Ҳиндистон давлатлари ҳиссасига тўғри келади. Ушбу икки мамлакатдан ташқари Япония, Корея, Вьетнам, Бразилия, Италия ва Франция давлатларида ишлаб чиқарилган ипак маҳсулотлари сифат кўрсаткичлари бўйича етакчи ҳисобланади<sup>1</sup>. Дунё миқёсида ипак маҳсулотларининг сифатини оширадиган ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнини амалга оширадиган машина ва технологияларни амалиётга жорий этишни тақозо этади. Шу жиҳатдан, табиий ипак ипларини тандалаш жараёнини тадқиқ қилиш ва такомиллаштириш, ипакни қайта ишлаш самарадорлигини оширадиган технологияларни яратиш ва амалиётга жорий қилиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда ипак маҳсулотларига талаб юқори бўлгани учун соҳада табиий ипак газламалари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва самарадорлигини ошириш, техника ва технологияларини такомиллаштириш, уларнинг илмий асосларини ривожлантиришга қаратилган кенг миқёсдаги илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, тандалаш технологиясида ипакнинг ҳаракатини тадқиқ қилиш, тўқимачилик машиналарининг иптарангловчи асбобларни технологик мутаносиблигини аниқлаш учун қурилма ва усуллар яратиш, тандалаш жараёнининг такомиллаштирилган технологиясини ишлаб чиқиш, унинг технологик параметрлари ва иш режимларини асослаш бўйича илмий изланишларни амалга оширишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда табиий ипак ипларини тандалаш жараёнини такомиллаштириш, тўқув корхоналарини модернизациялаш, табиий ипакни қайта ишлаш самарадорлигини, шунингдек, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш, ресурстежамкор технологияларни ишлаб чиқиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Бу борада 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ...иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш...»<sup>2</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифалар ижросини таъминлашда маҳаллий хомашёдан ипак газламалари ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, хусусан, тандалашда ипак ҳаракатланишининг керакли тезлигини аниқлаш, унинг ипак узилиши ва хомашё чиқиндисини

<sup>1</sup> [www.ru.wikisource.org/wiki](http://www.ru.wikisource.org/wiki), [www.optim-consult.com/analytics/6](http://www.optim-consult.com/analytics/6).

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони.

чиқиши хусусиятларига таъсирини ўрганиш, илмий асосланган усуллар билан хомашёдан оқилона фойдаланиш, ипак ипларини тандалаш жараёнини замонавий технологияларини такомиллаштириш, кластер модели асосида ипак газламаларини ишлаб чиқариш соҳада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2020 йилнинг 17 январдаги ПҚ-4567-сон «Пиллачилик тармоғида ипак қурти озуқа базасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2019 йил 31 июлдаги ПҚ-4411-сон «Пиллачилик тармоғида чуқур қайта ишлашни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа маъерий - ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Табиий ипак ипларини қайта ишлаш, тўқималар хусусиятларини тадқиқ қилиш, янги технологиялар яратиш, тандалаш жараёнига таъсир этувчи асосий омилларни аниқлаш, ипнинг ҳаракатида баллон ҳосил бўлиши тўғрисидаги тадқиқотлар, тандалаш жараёнида ипларга таранглик беришни ҳамда тарангловчи асбобларни ўзига хос жихатларини тадқиқ этиш билан хорижда Celik O., Eren R., Halfaoui R., Mesuda Y., Grekov D., В.А.Гордеев, В.А.Усенко, Г.Н. Кукин, Е.Д. Ефремов, С.Д.Николаев, П.В.Власов, Н.А.Кулида, О.Д.Балтаян, А.Б.Брут-Бруляко, В.Н.Власова, Н.П. Исаков, А.И.Панин, А.Б.Ишматов ва бошқалар шуғулланишган.

Республикада табиий ипак ипларини олиш, қайта ишлаш ва тандалаш жараёни самарадорлигини ошириш ва унда қўлланадиган машиналар параметрларини асослаш бўйича тадқиқотлар Х.А.Алимова, Қ.Ж.Жуманиязов, Э.Ш.Алимбоев, М.М.Мухамедов, А.Д.Даминов, С.А.Хамраева, П.С.Сиддиқов, А.Э.Фуломов, Ж.А.Ахмедов, О.А.Ахунбабаев, Г.Н.Валиев, С.С.Рахимходжаев, А.В.Корабельников, А.Ю.Рахимов ва бошқалар томонидан бажарилган.

Мазкур тадқиқотлар натижасида тўқимачилик саноатида тандалаш машиналарида табиий ипак ипини тандалашда тезлигини ошириш кутилган самарадорликни бермаётганлиги, ип узилишлари оқибатида тандалаш машинаси тўхталишларининг кўплиги ва бунинг оқибатида маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигининг пасайиши бу жараённинг етарли даражада чуқур ўрганилмаганлигини кўрсатади. Шунингдек, тандалаш жараёнида бобинадан чиқаётган ипнинг ҳаракатини ўрганиш асосида ипак ипининг таранглигини бир меъёрда сақлаш бўйича тадқиқотлар етарлича ўтказилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

Диссертация тадқиқоти Фарғона политехника институти илмий тадқиқот ишлар режасининг ФА-2018-002 «Табиий ипакдан янги турдаги тўқималар ва уларнинг ишлаб чиқариш такомиллаштирилган ресурстежамкор технологиясини яратиш» мавзусидаги амалий лойиха доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** табиий ипак ипларини тандалаш жараёнини такомиллаштириш орқали тандалаш машинаси унумдорлигини оширишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

тандалаш технологиясида ипнинг харакатини тадқиқ қилиш, узилиш сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича йўналишда илгари бажарилган илмий-тадқиқот ишларини таҳлилий тадқиқ этиш;

тандалаш жараёнида табиий ипак ипини баллонланишини тадқиқ қилиш ва унинг салбий оқибатларини бартараф қилиш;

ипнинг таранглигини назарий таҳлил қилиш, тўқимачилик машиналарининг иптарангловчи асбобларни технологик мутаносиблигини ифодаловчи формулалар ишлаб чиқиш, уни аниқлаш учун қурилма ва усул яратиш;

ипга бир импульсли ва ўсиб боровчи кўп импульсли юкламалар бериб тўқимачилик машиналарини иптарангловчи асбобларининг технологик мутаносиблигини аниқлаш бўйича экспериментал тадқиқотлар олиб бориш ва улар натижасида иптаранглагичнинг технологик мослашувчанлигини аниқлаш;

табиий ипак ипларини тандалаш жараёнини кўп омилли регрессия тенгламасини олиш, либитлаб тандалаш жараёнининг такомиллаштирилган технологиясини ишлаб чиқиш ва техник-иктисодий кўрсаткичларини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида табиий ипак ипларини бобинадан чувишдаги баллон шакли ва республикада мавжуд либитлаб тандалаш технологияси олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида ип баллон параметрлари, иптаранглагичнинг технологик мутаносиблиги, либитлаб тандалаш жараёнининг параметрлари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотларда табиий ипак ипларини синаш, солиштириш, танлаш, ипнинг физик-механик кўрсаткичларини аниқлаш ва таҳлил қилиш, экспериментал тадқиқотларни режалаштириш ва регрессион моделларни қуришнинг кичик квадратлар усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгиллиги** қуйидагилардан иборат:

табиий ипак ипларини либитлаб тандалашнинг такомиллаштирилган технологияси ишлаб чиқилган ва рационал параметрлари аниқланган;

табиий ипак ипларини тандалашда ипнинг ўрамдан кўтарилиш бурчагини ипнинг чувилиш тезлиги, баллон баландлиги ва ўрам диаметри

орқали ҳисоблашнинг математик боғланиши ишлаб чиқилган ва улар ердамида баллон шаклланишини бошқариш амалга оширилган;

тўқимачилик машиналари ип тарангловчи асбобларини янги параметри – технологик мутаносиблик параметри таклиф этилган ва унинг аниқлаш математик боғланишлари ишлаб чиқилган ҳамда бир импульсли ва ўсиб боровчи кўп импульсли юкламалар асосида уни аниқлаш усуллари яратилган;

ип тарангловчи асбоблари параметрларининг бир импульсли ва ўсиб боровчи кўп импульсли юкламалар таъсирида ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда уларнинг технологик мутаносиблигини аниқлаш учун қурилмалар яратилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйдагилардан иборат:

ипга бир импульсли ва ўсиб боровчи кўп импульсли юкламалар бериб тўқимачилик машиналарини иптарангловчи асбобларининг технологик мутаносиблигини аниқлаш имконини таъминлайдиган қурилмалар ишлаб чиқилган;

экспериментал тадқиқотлар натижасида мослашувчанлиги юқори бўлган иптаранглагич тури аниқланган;

табiiй ипак ипларини конусли бобинадан қайта ишлаш жараёнини оптимал параметрлари ишлаб чиқилган;

табiiй ипак ипларини либитлаб тандалаш жараёнини такомиллаштирилган технологияси ва рационал параметрлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончилиги уларнинг мавжуд ва амал қилаётган фундаментал назарияга мантқан мувофиқ келиши, ҳисоблашларда стандартлаштирилган усул ва воситалардан фойдаланилганлиги, олинган натижаларни реал иқтисодий самара билан ишлаб чиқаришга жорий қилиниши билан ҳамда ўтказилган тажрибалар хатоси 5% дан ортмаганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти баллон шакли ва ипнинг ўрамдан кўтарилиш бурчагини ипнинг чувилиш тезлиги, баллон баландлиги ва ўрам диаметрига боғлиқлик қонуниятлари аниқланганлиги, иптарангловчи асбобларини янги параметри – технологик мутаносиблик параметри таклиф этилганлиги, иптаранглагичнинг технологик мутаносиблигини аниқлаш формулалари ишлаб чиқилганлиги, технологик мутаносиблик коэффициентининг максимал қийматлари аниқланганлиги, иптарангловчи асбобларининг технологик мутаносиблигини аниқлаш усуллари яратилганлиги, ипнинг ўрамдан кўтарилиш бурчагининг кўп омилли регрессион математик модели олинганлиги, табiiй ипак ипларини конусли бобинадан қайта ишлаш жараёнини рационал параметрлари ишлаб чиқилганлиги, либитлаб тандалаш жараёнини такомиллаштирилган технологияси ва рационал параметрлари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти иптарангловчи асбобларининг технологик мутаносиблигини аниқлаш учун қурилмалар

яратилганлиги, технологик мутаносиблиги юқори бўлган иптаранглагич тури аниқланганлиги, табиий ипак ипларини конусли бобинадан қайта ишлаш жараёнини рационал параметрлари ишлаб чиқилганлиги, либитлаб тандалаш жараёнини такомиллаштирилган технологияси ва рационал параметрлари ишлаб чиқилганлиги, ишлаб чиқариш унумдорлигини ошиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Табиий ипак ипларини тандалаш жараёнини такомиллаштириш ва параметрларни оптималлаш бўйича ишлаб чиқилган илмий натижалар асосида:

тандалаш жараёнининг мақбул параметрлари ва иптаранглагич қурилмаси «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси тасарруфидаги корхоналарда, хусусан «Шарқ ипаги дурдонаси» МЧЖ либитлаб тандалаш машиналарида жорий этилган («Ўзбекипаксаноат» уюшмасининг 2020 йил 5 ноябрдаги 4-2/2236-сон маълумотномаси). Натижада либитлаб тандалаш жараёнида ипларнинг узулиши 28 % га, хомашё чиқиндилари 21,1 % га камайишига, либитлаб тандалаш машинаси унумдорлиги 23,5 % га ошишига имконият яратилган;

либитлаб тандалаш жараёнининг такомиллаштирилган технологияси ва рационал параметрлари «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси тасарруфидаги корхоналарда, хусусан Наманган шаҳрида жойлашган «Атлас-адрас» МЧЖда жорий этилган («Ўзбекипаксаноат» уюшмасининг 2020 йил 5 ноябрдаги 4-2/2236 -сон маълумотномаси). Натижада либитлаб тандалаш жараёнида ипларнинг узулиши 26 %, хомашё чиқиндилари 19,9 % га камайишига, либитлаб тандалаш машинасининг унумдорлиги 21,2 % га ошишига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари жумладан 8 та халқаро ва 12 та республика миқёсидаги илмий амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 24та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси ҳорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўрта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 111 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш,

нашр этилган ишлар ва диссертация тузулиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Ипак ипларини тандалаш жараёнини замонавий **холати**» деб номланган биринчи боби тўқимачилик хомашёсини қайта ишлаш, табиий ипак ипларини тандалаш жараёни, табиий ипак ипларини тандалаш тезлиги, ипни чувишда ипнинг баллонланиши, баллон параметрларини тадқиқ қилиш, бобина ўрамидан ипнинг чувилиши, тандалаш жараёнида ипнинг таранглигини ва иптарангловчи асбобларини тадқиқ қилиш бўйича ишлар таҳлили ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўллари бўйича адабиётлар таҳлиliga бағишланган.

Диссертациянинг «Тандалаш жараёнида табиий ипак ипи **баллонланишини тадқиқ қилиш**» деб номланган иккинчи бобида тандалаш тезлигини, баллон баландлигини, ўрам диаметрини ва ўрамдаги тугун ва нуқсонларни ипак ипи баллонининг шаклига таъсири тадқиқ қилинган.

Рақамли фотоаппаратда олинган суратлар ёрдамида, тандалаш жараёнида ип бобинадан ўқ бўйлаб чувилишида 3,23текс х 3 қайнатилган табиий ипак ипининг баллонланиши тадқиқ қилинди, баллоннинг баландлиги (ип йўналтиргичнинг кўзидан ўрама қиррасигача бўлган масофа) 250 мм (1- расм).



*1-расм. Баллон шаклланишида ипнинг ўрамдан кўтарилиш бурчагини аниқлаш*

Мавжуд ипак ипларини тандалаш жараёни амалга ошириладиган 100 м/мин тезликда, ўрам диаметри 120мм бўлганда баллондаги ип ўрам юзасидан ажрамаган холда бир тўлқинли ясси конус шаклидаги баллон кузатилади. Ўрам диаметри кичиклашганда баллондаги ип ўрамдан ажрамаган холда бир тўлқинли бироз қавариқ конус шаклидаги баллон кузатилади. Бу холда ипни чувиш учун шароитлар ноқулай, чувишнинг бошидан охиригача баллондаги ип ўрам юзаси бўйлаб сирпанади, ипнинг ўрамга катта ишқаланиши ҳосил бўлади, бунда ип ўрам юзасидаги тугунлар, шишлар ва ёпишмаларга илашади, бу эса ипни чувиш жараёнининг динамик шароитида уни узулишининг кўпайишига олиб келади.


Тандалаш жараёни 200 м/мин тезликда бўлганида, бобинадан ип чувилишининг бошланишида, ўрам диаметри 120 мм бўлганида, баллондаги ип ўрам юзасидан ажраган бир тўлқинли бироз қавариқ конус шаклидаги баллон кузатилди (2- расм). Ўрам диаметри 60мм га тенг бўлганида,

баллондаги ип ўрам юзасидан шунингдек ажраган бир тўлқинли оз қаварик конус шаклидаги баллон кузатилди (2- расм).




2-расм. Тандалаш тезлиги 200 м/мин бўлганида ипак иplarининг баллон шакллари.

Ипнинг ўрамдан кўтарилиш бурчагини чувиш тезлигига боғлиқлиги 3, 4- расмларда келтирилган.



3-расм. Ўрам диаметри 120 мм бўлганида ипнинг ўрамдан кўтарилиш бурчагини чувиш тезлигига боғлиқлиги




4-расм. Ўрам диаметри 60 мм бўлганида ипнинг ўрамдан кўтарилиш бурчагини чувиш тезлигига боғлиқлиги


Ипнинг ўрамдан кўтарилиш бурчагини чувиш тезлигига боғлиқлиги шуни кўрсатдики, тандалаш жараёни 200 м/мин ва ундан юқори тезликда бўлганида, бобинадан ип чувилиши бошидан, ўрам диаметри 120 мм бўлганида, бобинадаги ип чувилишининг охиригача, ўрам диаметр 60 мм бўлганида, баллондаги ип ўрам юзасидан ажраган ҳолда жараён амалга оширилади, ипнинг ўрамдан кўтарилиш бурчаги катталашади (3, 4- расм).

Чувишнинг бошидан охиригача ўрамдан ажраган баллондаги ип унинг юзаси бўйлаб сирпанмайди, ипнинг ўрамга ишқаланиши камаяди, бунда ип ўрам юзасидаги тугунлар, шишлар ва ёпишмаларга илашмайди, бу эса уни узулишининг камайишига олиб келади.

Ўрама диаметри 120 ва 60 мм бўлганида ипнинг ўрамдан кўтарилиш бурчагини баллон баландлигига боғлиқлиги 5, 6- расмларда келтирилган.



5-расм. Ўрам диаметри 120 мм бўлганида ипнинг ўрамдан кўтарилиш бурчагини баллон баландлигига боғлиқлиги




6-расм. Ўрам диаметри 60 мм бўлганида ипнинг ўрамдан кўтарилиш бурчагини баллон баландлигига боғлиқлиги


Олинган натижалардан аниқландики, кичик чизиқий зичликдаги табиий ипак ипининг баллонланишида баллон баландлиги 250 мм бўлганида ипнинг ўрамдан кўтарилиш бурчаги катта бўлади, баллон баландлиги 250 мм дан камайганда ва ошганда, ипнинг ўрамдан кўтарилиш бурчаги тушади.

Бу ҳолда, баллон баландлиги 150 ва 350 мм бўлганида, ипнинг ўрамдан кўтарилиш бурчаги кичик бўлади ва ипни чувиш учун шароитлар ноқулай бўлади, шунинг билан бирга тандалаш жараёни 100 м/мин тезликда бўлганида баллондаги ип ўрам юзаси бўйлаб сирпанади, ипнинг ўрамга ишқаланиши содир бўлади, бунда ип ўрам юзасидаги тугунлар, шишлар ва ёпишмаларга илашади, бу эса уни узулишининг кўпайишига олиб келади.

Ип ўрамадан тобора чувилиб боришида, баллон баландлиги 150, 200, 250, 300 ва 350 мм бўлганида ипнинг ўрамдан кўтарилиш бурчагини ўрам диаметрига боғлиқлиги 7,8- расмларда келтирилган.



7-расм. Ипни чувилиш тезлиги 100 м/мин бўлганида ипнинг ўрамдан кўтарилиш бурчагини ўрам диаметрига боғлиқлиги




8-расм. Ипни чувилиш тезлиги 200 м/мин бўлганида ипнинг ўрамдан кўтарилиш бурчагини ўрам диаметрига боғлиқлиги

Аниқландики, мавжуд ипак ипларини тандалаш жараёни амалга ошириладиган 100 м/мин тезликда, фақатгина бобинадаги ип чувилишининг охирида, ўрам охирига бориб, ўрам диаметри 60 мм га тенг бўлганида, баллон баландлиги 200, 250 ва 300 мм бўлганида, катта бўлмаган, 0,2 – 1 градус атрофида, ипнинг ўрамдан кўтарилиши кузатилди (7-расм).

Тандалаш жараёни 200 м/мин дан (8-расм) 500 м/мин гача тезликда бўлганида, ип тобора чувилган сари баллоннинг шакли ўзгаради, ўрам диаметри камайган сари ипнинг ўрамдан кўтарилиш бурчаги ортади, бунда ўрамнинг ўртача диаметрча бўлган биринчи даврда, ўрамнинг ўртача диаметрдан охиригача бўлган иккинчи даврга нисбатан, ипнинг ўрамдан кўтарилиш бурчаги жадал ортиши кузатилади.

Ўрамдаги ипда тугунларни сунъий равишда кўпайтириб, баллоннинг шакли кузатиб борилди. Тажриба натижасида аниқландики, баллондаги тугун ипийўналтиргичга бориб урилганида ипга динамик зарба берилади, натижада майда тўлқинли баллон хосил бўлади (9-расм).



9-расм. Индаги тугунни баллон хосил бўлишига таъсири

Диссертациянинг “Тўқимачилик машиналарининг иптарангловчи асбобларини технологик мутаносиблигини аниқлаш усулини яратиш ва тадқиқ қилиш” деб номланган учинчи бобда ипнинг таранглиги назарий таҳлил қилинган ва иптарангловчи асбобларни технологик мутаносиблигини аниқлаш формулалари ишлаб чиқилган, тўқимачилик машиналарининг иптарангловчи асбобларини бир импульсли ва ўсиб боровчи кўп импульсли юкламалар асосида технологик мутаносиблигини аниқлаш учун қурилмалар ва усуллар яратилган, тадқиқот ишлари олиб борилган.

Аниқландики, ипнинг иптаранглагичга киришдаги импульсли таранглиги, иптаранглагичнинг таъсирида, ундан чиқишда ипнинг мустахкамлигидан ошиб ип узилишига олиб келади. Бунда, иптаранглагич қанча юқори даражадаги киришдаги импульсли тарангликни ипни узмасдан кўтара олса, шунча унинг иш қобилияти юқори бўлади, яъни иптаранглагични технологик мутаносиблиги юқори бўлади.

Юқоридаги фикрлар асосида, иптаранглагичнинг технологик мутаносиблигини ипнинг мустахкамлигига нисбатан аниқлаш формуласи таклиф этилади:

$$K_{TP} = \frac{F_1}{P_p}; \quad (1)$$

бунда  $K_{TP}$  – иптаранглагичнинг технологик мутаносиблик коэффициентини;

$F_1$  – таранглагичдан кейин ип узилганида, ипнинг таранглагичга киришдаги импульс таранглигининг қиймати;  
 $F_p$  – ипнинг чўзишдаги узилиш кучининг қиймати.


Шунингдек, иптаранглагичнинг технологик мутаносиблигини таранглагичга киришдаги ва чиқишдаги таранглик орқали аниқлаш мумкин. Бунинг учун иптаранглагичнинг технологик мутаносиблигини ипнинг таранглигига нисбатан аниқлаш формуласи таклиф этилади:

$$K_{TF} = \frac{F_1}{F_2}; \quad (2)$$

бунда  $F_2$  – таранглагичдан кейин ип узилганида, ипнинг таранглагичдан чиқишдаги импульс таранглигининг қиймати.

Шуни такидлаш керакки, технологик мутаносиблик коэффициенти  $K_{TF}$  ёки  $K_{TF}$  қанча катта ва 1 га яқин қийматга эга бўлса, шунча иптаранглагловчи асбоб катта импульсли юкламаларга ипни узмасдан бардош бера олади, иптаранглагловчи асбобнинг технологик мутаносиблиги шунча юқори бўлади.


Иптарангловчи асбобларини бир импульсли юкламалар асосида технологик мутаносиблигини аниқлаш учун қурилма (10-расм) ва усул яратилди.



**10-расм. Иптаранглагични технологик мутаносиблигини аниқлаш учун қурилма**  
 1- ўқ, 2- бобина ушлагич, 3- бобина, 4- ип, 5- ип йўналтиргич, 6- ўраш воситаси,  
 7- ушлагич, 8- иптаранглагич, 9- датчик, 10- ёзиш воситаси, 11- электр кабеллари,  
 12- ступица, 13- ип йўналтиргич, 14- кивич (ипга импульсли таъсир этиш учун),  
 15- тормозловчи қоплама, 16- датчик.

Тензометрик усул билан ипнинг таранглагичга киришдаги импульс таранглиги аниқланди. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг Centexuz сертификатлаштириш синов марказида чизиқли зичлиги 2,33 текс х 2 бўлган қайнатилган табиий ипак ипининг узилиш кучи аниқланди. 11- расмда ва 1-жадвалда ипнинг таранглагичга киришдаги ва чиқишдаги импульс таранглиги осциллограммалари, уларни ишлов натижалари ва иптаранглагичларнинг технологик мутаносиблик коэффициентлари келтирилган.

Тадқиқот натижалари бўйича ипнинг таранглагичга киришдаги импульс таранглигини ўртача қиймати ва технологик мутаносиблик коэффициенти шайбали иптаранглагичда юқори бўлишлиги аниқланди.




11-расм. Ипнинг таранглагичга киришдаги ва чиқишдаги импульс таранглиги  
*a – демпферли таранглагич, б – Новетта, в – диски, г – шайбали*

### 1-Жадвал

#### Иптарангловчи асбобларни бир импульсли юкламалар асосидаги технологик мутаносиблик коэффициенти

| №                                      | Кўрсаткичлар номлари                 | Ўлч. бирлиги. | Иптаранглагич тури |         |        |         |
|--|--------------------------------------|---------------|--------------------|---------|--------|---------|
|  |                                      |               | Демпферли          | Новетта | Дискли | Шайбали |
| <b>Ипнинг мустаҳкамлигига нисбатан</b> |                                      |               |                    |         |        |         |
| 1.                                     | Таранглик (ўртача)                   | сН            | 92,17              | 95,45   | 119,71 | 128,36  |
| 2.                                     | Ўртача квадратик оғиш                | сН            | 17,01              | 15,23   | 12,86  | 13,86   |
| 3.                                     | Оғиш коэффициенти                    | %             | 18,45              | 15,96   | 10,74  | 10,79   |
| 4.                                     | Ишончли хатолик                      |               |                    |         |        |         |
|  | - абсолют                            | сН            | 3,40               | 3,04    | 2,14   | 2,77    |
|  | - нисбий                             | %             | 3,69               | 3,19    | 2,57   | 2,16    |
| 5.                                     | технологик мутаносиблик коэффициенти |               | 0,65               | 0,68    | 0,85   | 0,92    |
| <b>Ипнинг таранглигига нисбатан</b>    |                                      |               |                    |         |        |         |
| 1.                                     | Таранглик (ўртача)                   | сН            | 141,34             | 142,57  | 138,07 | 139,39  |
| 2.                                     | Ўртача квадратик оғиш                | сН            | 13,17              | 12,96   | 11,87  | 11,04   |
| 3.                                     | Оғиш коэффициенти                    | %             | 9,31               | 9,09    | 8,6    | 7,93    |
| 4.                                     | Ишончли хатолик                      |               |                    |         |        |         |
|  | - абсолют                            | сН            | 2,63               | 2,59    | 2,37   | 2,20    |
|  | - нисбий                             | %             | 1,86               | 1,81    | 1,72   | 1,58    |
| 5.                                     | технологик мутаносиблик коэффициенти |               | 0,65               | 0,67    | 0,86   | 0,92    |


Шунингдек, тўқимачилик машиналарининг иптаранглавчи асбобларини ўсиб борувчи кўп импульсли юкламалар асосида технологик мутаносиблигини аниқлаш учун қурилма (12- расм) ва усул яратилди.



**12-расм. Иптаранглавчи ўсиб борувчи кўпимпульсли юкламалар асосида технологик мутаносиблигини аниқлаш учун қурилма**

1- ўқ, 2- бобина ушлагич, 3- бобина, 4- ип, 5- ипйўналтиргич, 6- ўраш воситаси, 7- ушлагич, 8- иптаранглавчи, 9- датчик, 10- ёзиш воситаси, 11-электр кабеллари, 12- ступица, 13- ипйўналтиргич, 14-ўқ, 15-пружина, 16- икки елкали ричаг, 17- тормозловчи қоплама, 18-бир елкали бурчакли ричаг, 19-резбали шток, 20-буровчи гайка, 21- датчик.

13- расмда ва 2- жадвалда ипнинг таранглавчига киришдаги ва чиқишдаги импульс таранглиги осциллограммалари, уларни ишлов натижалари ва иптаранглавчиларнинг ўсиб борувчи кўп импульсли юкламалар асосидаги технологик мутаносиблик коэффициенти келтирилган.



**13-расм. Ипнинг таранглавчига киришдаги ва чиқишдаги ўсиб борувчи кўп импульсли таранглиги: а – демпферли таранглавчи, б – Новетта, в – диски, г – шайбали**

**Иптарангловчи асбобларни кўп импульсли юкламалар асосидаги  
технологик мутаносиблик коэффициенти**

| №                                      | Кўрсаткичлар номлари                 | Ўлч.<br>бир-<br>лиги. | Иптаранглагич тури |         |        |         |
|--|--------------------------------------|-----------------------|--------------------|---------|--------|---------|
|  |                                      |                       | Демп-<br>ферли     | Новетта | Дискли | Шайбали |
| <b>Ипнинг мустахкамлигига нисбатан</b> |                                      |                       |                    |         |        |         |
| 1.                                     | Таранглик (ўртача)                   | сН                    | 109,38             | 97,40   | 119,59 | 128,08  |
| 2.                                     | Ўртача квадратик оғиш                | сН                    | 10,66              | 14,96   | 12,04  | 12,59   |
| 3.                                     | Оғиш коэффициенти                    | %                     | 9,75               | 15,35   | 10,07  | 9,75    |
| 4.                                     | Ишончли хатолик                      |                       |                    |         |        |         |
|  | - абсолют                            | сН                    | 2,13               | 2,99    | 2,40   | 2,51    |
|  | - нисбий                             | %                     | 1,95               | 3,07    | 2,01   | 1,95    |
| 5.                                     | технологик мутаносиблик коэффициенти |                       | 0,78               | 0,69    | 0,85   | 0,91    |
| <b>Ипнинг таранглигига нисбатан</b>    |                                      |                       |                    |         |        |         |
| 1.                                     | Таранглик (ўртача)                   | сН                    | 143,39             | 141,15  | 139,65 | 139,66  |
| 2.                                     | Ўртача квадратик оғиш                | сН                    | 12,02              | 13,15   | 12,78  | 12,12   |
| 3.                                     | Оғиш коэффициенти                    | %                     | 9,99               | 9,28    | 9,15   | 8,68    |
| 4.                                     | Ишончли хатолик                      |                       |                    |         |        |         |
|  | - абсолют                            | сН                    | 2,21               | 2,62    | 2,56   | 2,42    |
|  | - нисбий                             | %                     | 2,00               | 1,85    | 1,83   | 1,74    |
| 5.                                     | технологик мутаносиблик коэффициенти |                       | 0,76               | 0,69    | 0,86   | 0,92    |

Тўқимачилик машиналарининг иптаранглагич асбобларини ўсиб боровчи кўп импульсли юкламалар асосида технологик мутаносиблигини аниқлаш экспериментал тадқиқотлар асосида шайбали иптаранглагичнинг технологик мутаносиблиги юқорилиги аниқланди.

**“Табиий ипак ипларини тандалаш жараёнини такомиллаштирилган технологиясини яратиш ва тадқиқ қилиш”** деб номланган тўрттинчи бобида тандалаш жараёнида табиий ипак ипи баллонланишининг математик модели олинган, либитлаб тандалаш жараёнини такомиллаштирилган технологияси ва рационал параметрлари ишлаб чиқилган, тадқиқот ишининг техник-иқтисодий самарадорлиги ҳисоби келтирилган.

Ротатабел марказий композицион тажриба амалга оширилиб, танланган омилларнинг ипнинг ўрамдан кўтарилиш бурчагига таъсирини ифодаловчи, табиий ипак ипини конусли бобинадан қайта ишлашда баллон ҳосил бўлишининг қуйидаги кўп омилли регрессион математик модели олинди:

$$Y_R = 12,99 + 2,55X_1 - 0,92X_2 - 3,53X_3 + 0,36X_1X_2X_3 - 1,44X_1^2 - 2,06X_2^2 - 1,18X_3^2$$

Олинган регрессион математик моделнинг адекватлиги Фишер мезонидан фойдаланиб аниқланди ( $F_R = 2,51 < 4,88 = F_{жс}$ ).

Табиий ипак ипини конусли бобинадан қайта ишлашда, ипнинг ўрамдан кўтарилиш бурчагига таъсир этувчи омилларнинг қуйидаги оптимал қийматлари аниқланди: қайта ишлашда ипнинг чувилиш тезлиги – 500 м / мин; баллон баландлиги – 250 мм; ўрам диаметри – 60 - 120 мм.

Табиий ипак ипларини либитлаб тандалаш жараёнини такомиллаштирилган технологияси ва 3-жадвалда келтирилган рационал параметрлари яратилди.

### 3-Жадвал

#### Табиий ипак ипларини либитлаб тандалаш жараёнини рационал параметрлари

| №  | Параметрлар номлари               | Ўлч. бирлиги | Қиймати |
|----|-----------------------------------|--------------|---------|
| 1. | Тандалаш (ипнинг чувилиш) тезлиги | м/мин        | 200     |
| 2. | Тандалашдаги баллон баландлиги    | мм           | 250     |
| 3. | Тандалашдаги ўрам диаметри        | мм           | 60-120  |
| 4. | Иптаранглагич асбоби              | тури         | шайбали |

Такомиллаштирилган либитлаб тандалаш технологияси жорий этилиши натижасида тандалаш жараёнида узуклар 28% (1,39 баробар)га, иплар узилишларини камайиши натижасида хомашё чиқиндилари миқдори 21,1% га камайди ҳамда либитлаб тандалаш машинасининг унумдорлиги 23,5 % ошди.

### ХУЛОСА

Табиий ипак ипларини тандалаш жараёнини тадқиқ қилиш ва такомиллаштириш бўйича олиб борилган назарий ва экспериментал тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Табиий ипак ипларини тандалашда баллон шакли ва ипнинг ўрамдан кўтарилиш бурчагини ипнинг чувилиш тезлиги, баллон баландлиги ва ўрам диаметрига боғлиқлиги аниқланди. Тандалаш жараёни, мавжуд технология бўйича ипак ипларини тандалаш жараёни амалга ошириладиган 100 м/мин тезликда бўлганида, бобинадан ип чувилишининг бошланишидан охиригача, баллондаги ип ўрам юзасидан ажрамаган бир тўлқинли конус шаклидаги баллон кузатилади, ипни чувиш учун шароитлар ноқулай бўлади, баллондаги ип ўрам юзаси бўйлаб сирпанади ва ипнинг узулиши кўпаяди.

2. Тандалаш жараёни 200 м/мин ва ундан юқори тезликда бўлганида, бобинадаги ип чувилишини бошидан охиригача, баллондаги ип ўрам юзасидан ажраган ҳолда жараён амалга оширилади, ип ўрамдан тобора чувилган сари ва чувилиш тезлиги ортгани сари ипнинг ўрамдан кўтарилиш бурчаги катталашади, ўрамдан ажраган баллондаги ип ўрамга ишқаланмай ва юзаси бўйлаб сирпанмай чувилади, натижада табиий ипак ипини бобинадан чувиш шароитлари яхшиланади.

3. Кичик чизиқий зичликдаги табиий ипак ипининг баллонланишида баллон баландлиги 250 мм бўлганида ипнинг ўрамдан кўтарилиш бурчаги

катта бўлади ва чувиш шароитлари яхши бўлади, баллон баландлиги 250 мм дан камайганида ёки ошганида, ипнинг ўрамдан кўтарилиш бурчаги тушади, чувиш учун шароитлар ноқулай бўлади ва ип узулишининг кўпайишига олиб келади.

4. Иптарангловчи асбобларини янги параметри – технологик мутаносиблик параметри таклиф этилди ва асосланди. Иптаранглагичнинг технологик мутаносиблигини ипнинг мустахкамлигига ва таранглигига нисбатан аниқлаш формулалари ишлаб чиқилди. Технологик мутаносиблик коэффиценти қанча катта ва 1 га яқин қийматга эга бўлса, шунча иптарангловчи асбоб катта импульсли юкламаларга ипни узмасдан бардош бера олиши, иптаранглагловчи асбобнинг технологик мутаносиблиги шунча юқори бўлиши аниқланди.

5. Назарий тадқиқотлар асосида, ипга бир импульсли ва ўсиб борувчи кўп импульсли юкламалар бериб тўқимачилик машиналарини иптарангловчи асбобларининг технологик мутаносиблигини аниқлаш имконини таъминлайдиган қурилмалар ва усуллар яратилди, ва олиб борилган экспериментал тадқиқотлар натижасида шайбали иптаранглагичнинг технологик мутаносиблиги юқорилиги аниқланди.

6. Табиий ипак ипларини конусли бобинадан чувишда ипнинг чувилиш тезлиги, баллон баландлиги ва ўрам диаметрини таъсирини ифодаловчи баллон ҳосил бўлишда ипнинг ўрамдан кўтарилиш бурчагининг кўп омилли регрессион математик модели олинди, унинг асосида табиий ипак ипларини конусли бобинадан қайта ишлаш жараёнини рационал параметрлари ишлаб чиқилди: қайта ишлашда ипнинг чувилиш тезлиги – 500 м / мин, баллон баландлиги (ип йўналтиргичнинг кўзидан ўрама қиррасигача бўлган масофа) – 250 мм, ўрам диаметри – 60 - 120 мм.

7. Олиб борилган назарий ва экспериментал тадқиқотлар асосида табиий ипак ипларини либитлаб тандалаш жараёнини такомиллаштирилган технологияси ва рационал параметрлари ишлаб чиқилди: тандалаш (ипнинг чувилиш) тезлиги – 200 м / мин, баллон баландлиги – 250 мм, ўрам диаметри – 60 - 120 мм, ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этилди, бунда ипни ўрамга ишқаланиши бартараф этилди ва чувиш шароитлари яхшиланди, натижада тандалаш жараёнида узуклар 28% (1,39 баробарга) камайди, тандалаш машинасининг унумдорлиги 23,5 % ошди, ҳомашё чиқиндиси 21,1 % камайди.

8. Табиий ипак ипларини конусли бобинадан қайта ишлаш жараёнларида ипнинг чувилиш тезлигини 500 м / мин гача ошириш имкониятларини инобатга олиб, келгусида, лойиҳалаш муассасалари ва тўқимачилик машинасозлиги корхоналарида янги юқори унумдор машиналар лойиҳалашда ва ишлаб чиқаришда, эътиборга олиниши ва жорий этилиши тавсия қилинади.

9. Тадқиқот натижалари тандалаш машиналарида жорий этилишидан олинадиган йиллик иқтисодий самарадорлик 1 машина учун 101,25 млн. сўмни ташкил этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАМАНГАНСКОМ ИНЖЕНЕРНО-  
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**ФЕРГАНСКИЙ ПОЛИТЕХНИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

**ХОМИДОВ ВОХИДЖОН ОБИДОВИЧ**

**ИССЛЕДОВАНИЕ И СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРОЦЕССА  
СНОВАНИЯ ШЕЛКОВЫХ НИТЕЙ**

**05.06.02- Технология текстильных материалов и  
первичная обработка сырья**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Наманган- 2021**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2018.1.PhD/T609.

Диссертация выполнена в Ферганском политехническом институте.

Автореферат диссертации доступен на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на веб-сайте Научного совета Наманганского инженерно-технологического института ([www.nammti.uz](http://www.nammti.uz)) и на Информационно-образовательном портале "ZiyoNet" ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:**

**Валиев Гулам Набиджанович**  
доктор технических наук, с.н.с.

**Официальные оппоненты:**

**Жуманиязов Кадам Жуманиязович**  
доктор технических наук, профессор

**Рахимов Алишер Юсупжонович**  
кандидат технических наук, доцент

**Ведущая организация:**

**Ташкентский институт текстильной и лёгкой промышленности**

Защита диссертации состоится « 03 » июля 2021 года в 10<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.T.66.01 при Наманганском инженерно-технологическом институте. (Адрес: 160115, г. Наманган, ул. Касансайская-7, Административное здание Наманганского инженерно-технологического института, 1-й этаж, малый зал совещаний, тел: (+ 99869) 228-76-68, 225-10-07, факс: (+99869) 228-76-75, [nei\\_info@edu.uz](mailto:nei_info@edu.uz)).

Диссертация доступна в Информационно-ресурсном центре Наманганского инженерно-технологического института (зарегистрирована под № 396 ). (Адрес: 160115, г. Наманган, ул. Касансайская-7, тел. (+99869) 228-76-68).

Автореферат диссертации разослан « 19 » июня 2021 года.  
(реестр протокола рассылки № 33 от « 19 » июня 2021 года).



**Р.М. Муродов**

Председатель научного совета по присуждению  
ученых степеней, доктор технических наук, профессор

**Х.Т. Бобожанов**

Членов научного совета по присуждению  
ученых степеней, доктор технических наук

**К. М. Холиқов**

Председатель научного семинара при научном совете  
по присуждению ученых степеней, доктор технических наук

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мировой текстильной промышленности в повышении качества шелковых тканей особое внимание уделяется совершенствованию процесса снования нитей натурального шелка, обеспечению конкурентоспособности шелковых изделий и развитию технологии производства. В мире 60 % производимого шелка-сырца приходится на долю Китайского и Индийского государств. Эти две страны с развитым текстилем натурального шёлка и Япония, Корея, Вьетнам, Бразилия, Италия и Франция по показателям качества произведенной шёлковой продукции также являются ведущими<sup>1</sup>. В мире требуется внедрение в практику машин и технологий, повышающих качество шелковой продукции и реализовывающих процесс производства конкурентоспособной продукции. Поэтому, исследование и совершенствование процесса снования нитей натурального шелка, разработка и внедрение в практику технологий по повышению эффективности переработки шелка, имеет важное значение.

В связи с высоким спросом в мире на изделия из натурального шелка, в широком спектре проводятся научно-исследовательские работы, направленные на повышение эффективности и увеличение производства шелковых тканей в отрасли, совершенствование техники и технологий, развитие их научных основ. В связи с этим, исследованию движения нити в процессе снования, разработке способов и устройств для определения технологичности нитенатяжных приборов текстильных машин, разработке совершенствованной технологии процесса снования, реализации научных изысканий по обоснованию его технологических параметров и режимов работы уделяется особое внимание.

В нашей Республике реализовываются комплексные меры по совершенствованию процесса снования нитей натурального шелка, модернизации ткацких предприятий, повышению эффективности переработки натурального шелка, а также повышению конкурентоспособности производимой продукции, разработке и широкому внедрению ресурсосберегающих технологий, достигаются определённые результаты. В этой связи в стратегии действий развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы, в частности, определены важные задачи «...повышения конкурентоспособности национальной экономики, ... снижение энерго- и ресурсопотребления в экономике, широкое внедрение в производство энергосберегающих технологий...»<sup>2</sup>. При обеспечении выполнения этих задач повышение эффективности производства шёлковых тканей из местного сырья, в частности, определение требуемой скорости движения нитей в сновании, изучение его влияния на обрывность нитей и

---

<sup>1</sup>[www.ru.wikisource.org/wiki](http://www.ru.wikisource.org/wiki), [www.optim-consult.com/analytics/6](http://www.optim-consult.com/analytics/6).

<sup>2</sup>Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № ПФ-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

выход отходов сырья, рациональное использование сырья научно обоснованными способами, совершенствование современных технологий снования нитей натурального шёлка, производство шелковых тканей на основе кластерной модели входит в число важных задач отрасли.

Исследование данной диссертации в определенной степени служит реализации задач, поставленных в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлениях Президента от 17 января 2020 года № ПП-4567 «О дополнительных мерах по развитию кормовой базы тутового шелкопряда в шелковой отрасли», и от 31 июля 2019 года № ПП-4411 «О дополнительных мерах по развитию глубокой переработки в шелковой промышленности», а также других нормативно-правовых документах, связанных с этой деятельностью.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики П. «Энергетика, энерго- и ресурсосбережение».

**Степень изученности проблемы.** Переработке натурального шёлка, исследованию свойств тканей, разработке новых технологий, определению основных факторов существенно влияющих на процесс снования, исследованию образования баллона при движении нити, натяжения нити в процессе снования, а также исследованию особенностей натяжных приборов, особенно исследованию натурального шёлка внесли достойный вклад следующие зарубежные ученые Celik O., Eren R., Halfaoui R., Mesuda Y., Grekov D., российские ученые В.А.Гордеев, В.А.Усенко, Г.Н. Кукин Е.Д. Ефремов, С.Д.Николаев, П.В.Власов, Н.А.Кулида, О.Д.Балтаян, А.Б.Брут-Бруляко, В.Н.Власова, Н.П. Исаков, А.И.Панин, А.Б.Ишматов и другие.

В Республике, исследованием получения и переработки нитей натурального шёлка, повышения эффективности процесса снования и обоснования параметров применяемых машин занимались Х.А.Алимова, Қ.Ж.Жуманиязов, Э.Ш.Алимбоев, М.М.Мухамедов, А.Д.Даминов, С.А.Хамраева, П.С.Сиддиқов, А.Э.Гуломов, Ж.А.Ахмедов, О.А.Ахунбабаев, Г.Н.Валиев, С.С.Рахимходжаев, А.В.Корабельников, А.Ю.Рахимов и другие ученые.

В результате этих исследований в текстильной промышленности, при сновании нитей натурального шёлка на сновальных машинах, не получение ожидаемой эффективности от повышения скорости снования, множество остановов сновальных машин в результате обрывности нитей в сновании, и в результате этого снижение эффективности производства продукции, свидетельствуют о недостаточной степени глубины изучения данного процесса. А также, в проведённых исследованиях, вопросы сохранения постоянства натяжения шёлковой нити на основе изучения движения сматываемой с бобины нити не получили требуемой степени своего решения.

**Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ научного учреждения, где выполнена диссертация.** Исследование диссертации проводилось на основании научно-исследовательского плана Ферганского политехнического института в рамках прикладного проекта по теме ФА-2018-002 «Разработка новых структур тканей из натурального шелка и совершенствованной ресурсосберегающей технологии их производства».

